

الإسلام دين رسل الله (للجمعية)

**ИСЛОМ – БАРЧА
ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ
ДИНИ**

Ислом – барча пайғамбарларнинг дини

Ислом – бу оламнинг яратувчиси ва бошқарувчиси – Аллоҳга итоат этиш, Унга муҳаббат ва улуғлаш ила бўйсунтириш. Исломнинг асоси — Аллоҳга бўлган иймондир. Яъни, фақат Аллоҳ яратувчи эканига, ундан бошқа барча нарса махлуқ эканига, ҳақиқий маънода фақат Унгагина ибодат қилиш лозимлигига ишонишдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Зот гўзал исмлар ва энг улуғ сифатларга эгадир. У мутлақ комил бўлган Зот бўлиб, унда ҳеч қандай нуқсон йўқ. У на туғган ва на туғилган, Унга тенг ва ўхшаш ҳеч ким йўқ. У ўз махлуқотларидан ҳеч бирига сингиб қирмайди ва уларга ўхшаш жисмга айланмайди.

Ислом – Аллоҳ таолонинг ундан бошқа динни қабул қилмайдиган динидир. Барча пайғамбарлар ушбу динни олиб келишган.

Ислом асосларидан бири — барча пайғамбарларга иймон келтириш! Аллоҳ У Зотнинг буйруқларини бандаларига етказишлари учун пайғамбарлар юборди ва

уларга китоблар нозил қилди. Уларнинг охиргиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Аллоҳ У зотни ўзидан олдинги пайғамбарлар шариатини насх қилувчи илоҳий охирги шариат билан юборди. Улуғ оят ва мўжизалар билан қўллаб қувватлади. Уларнинг энг улуғи Аллоҳ таолонинг каломи Қуръони Карим. Мазмуни, лафзи ва назми мўъжиза, башарият билган энг улуғ китоб. У дунё ва охиратда бахтлиликка етакловчи ҳаққа ҳидоятдир. Ҳозирги кунгача ўзи нозил қилинган араб тилида сақланиб келган. Ундаги бир ҳарф ҳам ўзгартирилмади.

Ислом асосларидан бири — фаришталар ва охират кунига иймон келтириш! Қиёмат куни Аллоҳ одамларни қабрларидан тирилтиради ва уларнинг амаллари учун ҳисоб-китоб қилади. Кимки мўмин ҳолда солиҳ амаллар қилган бўлса, уни абадий неъматлар билан тўла жаннат кутмоқда. Кимки кофир бўлиб, ёмон ишлар қилган бўлса, унга улкан азоб билан тўла дўзах бор. Ислом асосларидан яна бири — тақдирга, Аллоҳнинг хоҳиши билан рўй

берадиган ҳар қандай яхшилик ва ёмонликка иймон келтишдир.

Мусулмонлар Исо алайҳиссаломни Аллоҳнинг қули ва расули деб эътиқод қиладилар. Уни Аллоҳнинг ўғли деб эътиқод қилмайдилар. Чунки Аллоҳулуғ Зот бўлиб, Унга на жуфт ва на фарзанд муносиб эмас. Аллоҳ Қуръонда бизга хабар берганки, Исо алайҳиссалом пайғамбар бўлган ва Аллоҳ унга кўплаб мўъжизаларни берган. Аллоҳ уни ўз қавмига фақат ягона Аллоҳга ибодат қилишга даъват қилиши учун юборган. Шунингдек, Аллоҳ бизга Исо алайҳиссалом одамларни ўзига эмас, балки ўз яратувчисига ибодат қилишга чақирганини билдирган.

Ислом фитратга ва соғлом ақлга мос келадиган диндир. У соф табиатли инсонларнинг қалбига мўқул келади. Бу динни буюк яратувчи — Аллоҳ бандалари учун шариат қилиб жорий этган. У бутун инсоният учун хайр ва саодат динидир. Ислом ирқни ирқдан, рангни рангдан устун қўймайди — барча инсонлар унда тенг. Исломда инсон

бошқалардан фақат қилган солиҳ амаллари билангина устун бўлиши мумкин.

Ҳар бир оқил инсон Аллоҳ таолони Рабб, Исломни дин, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар деб тан олиши ва иймон келтириши шарт. Бу масалада инсон ихтиёрли эмас, чунки, Қиёмат куни Аллоҳ инсондан пайғамбарларга қандай жавоб бергани ҳақида сўрайди. Агар у мўмин бўлган бўлса, у ҳолда буюк муваффақият ва нажотга эришади. Агар кофир бўлган бўлса, у ҳолда очиқ ва аниқ ҳалокатга учрайди.

Ким исломга кирмоқчи бўлса: (Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ) яъни: «Аллоҳдан ўзга сиғинишга лойиқ Зот йўқ ва Муҳаммад У Зотнинг бандаси ва пайғамбари» деб, маъносини тушуниб, унга ишониб айтсин! Шунда у мусулмон бўлади. Сўнгра Исломни ҳаётига тўлиқ киргизиш учун, унинг бошқа аҳкомларини босқичма-босқич ўрганиши лозим.

Қўшимча маълумотга эга бўлиш учун:

Мундарижа

Ислом – барча пайғамбарларнинг дини	2
---	---

uz364v2.0 - 06/09/2026